

ХОРАЗМ ВОҲАСИ АҲОЛИСИ АНЪАНАВИЙ ОИЛА ВА НИКОҲ МУНОСАБАТЛАРИ ҲАМДА УЛАРДАГИ ЎЗГАРИШЛАР

Бекчанова Нилуфар Ахмеджановна

Урганч давлат Университети

Тарих кафедраси мустақил изланувчиси

Аннотация: Ушбу мақолада Хоразм воҳасидаги оила ва никоҳ муносабатлари ҳамда уларнинг трансфармация жараёнлари. Атрофлича таҳлил қилинган ва умумлаштирилган.

Kalit soʻzlar: Oila, ota-onaning oʻrni, davlat va jamiyat munosabat omillari, totuvlik, farzand, nikoh, tarixiy, meros

Аннотация: В данной статье семейно-брачные отношения в Хорезмской области и процессы их трансформации. Подробно анализируется и обобщается.

Ключевые слова: семья, место (роль лучше) родителей, Узбекистан, государство и общество, факторы, согласие, ребенок, брак, историческое наследие.

Annotation: In this article, family and marriage relations in the Khorezm region and their transformation processes. It is analyzed in detail and summarized.

Key words: Family, place of parents, Uzbekiston, state and society, factors, agreement, child, marriage, historical heritage.

1. Кириш

Тарихий тараққиётнинг ҳар қайси босқичи, хусусан, кишиларнинг дастлабки уруғ-жамоаларга бирлашиб, ҳаёт кечираётган даврларидан то бугунги кунгача бўлган даврда оила ва никоҳ муносабатлари вужудга келиб, жамият тараққиётига мос равишда ривожланиб боради. Ўз навбатида, оила ҳам жамият юксалишида муҳим вазифани бажариб, келажак ҳаёт учун шароит ҳозирлайди. Шу боис, оила-никоҳни қадрият даражасига кўтариб, ҳар қайси тараққиёт босқичида ушбу масалага муносабат қандай бўлганлигини ўрганиш ва таҳлил қилиш муҳим амалий аҳамият касб этади. Оила ва никоҳ муносабатлари ўзига хос қадимий тарихга эга бўлиб, ибтидоий аждодларнинг тараққиёти даври билан боғлиқ. Бироқ у даврда ҳали инсоний муносабатлар тўла шаклланмаган бўлиб, эркак ва аёллар ўртасидаги никоҳ муносабатларини юзага келишининг илк

босқичларида жинслараро алоқалар асосан биологик омиллар асосида бошқарилган¹. Албатта бу ўринда никоҳ ва оилани бир-биридан фарқлаш жоиз. Никоҳ оиладан олдин вужудга келган бўлиб, дастлаб патриархал оила вужудга келишига қадар, уруғчилик даврида фақат жинсий табиий ҳаётни бошқариб борган. Оила вужудга келгандан сўнг эса никоҳ кишилар ҳаётининг бошқа, чунончи, ҳуқуқий, ахлоқий ва маиший соҳаларига ҳам аста-секин кириб борган. Никоҳнинг оиладан фарқи шундаки, у ўзи вужудга келган дастлабки даврда муайян иқтисодий, ҳўжалик ҳуқуқи ва мажбуриятлари билан боғланмаган. Оила эса ўзининг биринчи кунлариданоқ муайян ҳуқуқлар ва мажбуриятлар билан боғланган кишиларнинг кичик уюшмаси, иттифоқидамда бирлигидир. Оила синфий жамиятга қадар жинслар ўртасидаги жинсий муносабатларни бошқарадиган бирдан-бир восита бўлган².

2.Натижа ва Муҳокама

Ўзбек миллати анъанавий никоҳ маросимлари тантаналарини бошлаб берувчи дастлабки маросим совчилик ҳисобланади. Совчилик тўғрисидаги илк маълумотлар VII–VIII асрларга оид Ўрхун-Энасой битикларида учрайди³. Буюк давлат арбоби Тунюқуқ битик тоши, шунингдек, М. Кошғарийнинг “Девону луғотит турк” асарида “сав” – “сўз”, “нутқ”, “хабар” маъносида қўлланилган бўлса, “Ирқ битиги (фол китоби)”да эса “сав” – “сўз”, “савчи” – “хабарчи”, яъни “келин ва куёвлар орасида хабарчи, бир-бирига хат-хабар элтувчи совчи”, деб изоҳланган⁴. Воҳада кизларни никоҳга ва оилага тайёрлаш ёшлигидан бошланади. Унда асосан буви, момолари овқат тайёрлашни, пишириқларни пиширишни, кир ювиш, дазмол қилиш, уйларни тозалаш, меҳмон кутиш ва қолаверса, уйдагиларнинг қош-қовоғига қарашни ҳам ўргатишади. Уғил болаларга асосан ота дала ишларини, чорва, бозор учар ишларини ўргатиб боришади. Ота онанинг яхши ибрат кўрсатиш мақсадида фарзандининг ёнида жанжал қилмаслик, узаро гапларини хонасида ёки булмаса фарзанди йук жойда гаплашип олишни маъкул қилишади⁵. Хоразм воҳасида ҳам оиланинг тузилишида совчилик алоҳида ўрин тутди. Воҳада бу жараён дастлаб эркаклар томонидан бажарилиб, сўнг аёлларни иштироки кузатилади. Хоразм воҳасида ҳам оиланинг тузилишида совчилик алоҳида ўрин тутди. Воҳада бу жараён дастлаб эркаклар томонидан бажарилиб, сўнг аёлларни иштироки кузатилади

¹ Шоумаров Г.Б., Расулова З.А. Оила энциклопедияси /Оила-никоҳ муносабатлари тарихи..... – Б.237.

² <https://bugun.uz/2021/05/16/15-maj-halqaro-oila-kuni-ozbeklarda-oila-va-nikoh-munosabatlari-nikohdan-otish-qanchalik-muhim/16.05.2021>.

³ Маҳмуд Кошғарий. Девону луғотит турк. III том. –Тошкент: Фан, 1963. –Б. 167–168

⁴ Маҳмуд Кошғарий. Девону луғотит турк. III том. –Тошкент: Фан, 1963. –Б. 168–169.

⁵ Дала ёзувлари. Хоразм вилояти, Урганч шаҳар Камолот кучасида яшовчи 61 ёшли Шарифа ҳожи она билан суҳбатдан ёзиб олинган. 2019 йил

.Хоразм воҳасини ҳамма жойида эркаклар эмас, айрим худудларда биринчи аёллар, баъзан эр-хотин биргаликда ҳам совчиликка бориш жараёнлари кузатилади. Ўз ўрнида шуни алоҳида қайд этиш керакки, Хоразмда никоҳ маросими умумий совчиликдан бошланади. Икки томон келишгандан кейин маълум бир вақтда куёв томон қизниқига совчилар юборади. Дастлабки расмий унаштириш “Потия тўйи” удуми ўтказилиб, кейин “Кенгаш” (Генгаш, Гашир дўғраш) берилди. Унда қиз томонга бериладиган қалин миқдори, тўй ҳаражатлари, иштирокчилар сони, тўйни ўтказиш вақти ва бошқа масалалар ҳал қилинади. Яна шуниси ҳам аҳамиятлики, воҳада қалин тўлангандан кейин никоҳ тўйи ўтказиш удуми ҳозирги кунгача сақланиб қолган. Бу одатлар орасида қизни кўриш ҳам бўлиб, ҳозирги кунда воҳада “қиз кўргани “келишмайди, бўлғуси келинни олдин ўзлари кўриб, кейин тўғридан-тўғри совчиликка келишади. Бунда келган меҳмонларга қиз ёки келинни деярли кўрсатишмайди, уят ҳисобланади. Худди шундай ҳолат воҳанинг Чандирқийёт қишлоғида ҳам мавжуд бўлиб, «қиз кўргани» удуми деярли бажарилмайди¹. Бунга сабаб, хонадонга келган меҳмонга қиз ва келинни деярли кўрсатилмайди, аҳоли орасида бу уят ҳолат ҳисобланади. Воҳада совчининг иззати баланд бўлиб, бу эзгу ишга кўпни кўрган, обрў-эътиборли кишилар танланади. Одатда, совчи жўнатишдан олдин қудачилик қиладиган хонадоннинг тутум-тартибига алоҳида эътибор берилди. Кўпинча эшик очишга эркак-у аёллар биргаликда боришади. Чунки, эшикни биринчи бўлиб эркак киши очгани қут-барақа бўлиб, ишни пишитишда, эркаклар журъати билан аёлларга синчковлиги уйғунлашиб, мурод ҳосил бўлади деб тушунилади. Воҳада айрим хонадонларга келган совчилар «..сизнинг боғингизда бир гулғунча очилибди. Бизнинг булбул сайрапти. Қайси боғнинг булбули экан? - деб сўрайди элчининг ёнига чақирилган амма ва тоғалар. Қиз томон ҳеч қачон «Йўқ бермаймиз, дейишмайди. Чунки, меҳмонларнинг, элчи-совчиларнинг обрўси сақланади. Қариндош уруғлар билан маслаҳатлашиб кўрайлик дейилади². Бироқ совчилар дастурхоннинг қайтишидан дарров гап нимада эканини, рад жавоби берилганлигини англайдилар. Агар дастурхонига тегилмаган бўлса, рад қилинганлиги аён бўлади. Иккита нон олиб, ўрнига бошқа нон солиб қўйилса, яна келаверинглар, ўйлаб кўрамиз» дейилгани бўлади. Ризолик аломати нон алмаштиришдир. Бирор ҳафта ўтиб яна борилади. Икки ёшнинг умр йўллари бирлаштирадиган тадбирлар бошланиб кетади. Улардан биринчиси «қатлама келди» маросими ҳисобланади. Бу воҳанинг баъзи худудларида шундай номланади. Куёв томонидан келган қатламалардан иккитасини фариштали, бир никоҳли қария аёл тенг қўйиб ўртада ушатади. Хоразм воҳаси аҳолиси орасида

¹ Дала ёзувлари. Хоразм вилояти Хива шаҳри, Янгибозор ва Қўшқўпир туманлари. 2019 йил

² Дала ёзувлари. Хоразм вилояти Урганч шаҳри, . 2019 йил

никоҳгача бўлган муносабатларда ҳатто, бугунги кунда ҳам анъанавий урф-одат ва маросимлар катта ижобий ўрин тутди. Айниқса, қадимий совчилик анъанаси қуда бўлаётган икки томон ўртасидаги дипломатик алоқаларни йўлга қўювчи муҳим восита ҳисобланади. Бизнингча ҳам мана шундай муносабатлар оила ва никоҳ муносабатларининг ўз давридаги жамоавий муносабатларнинг шаклланишига хизмат қилган. Шу билан бу хонадонга совчи келиши тўхтайди. Ўша куни тўй белгиланади. Унгача куёв томон қизнинг уйига байрам ва ҳайит кунлари бозорлик ва ҳайитликлар (совға-салом, ҳадя, ширинликлар) жўнатиб туради. “Қатлама келди” удум-тантанаси ўтгач, қиз томонга пахта ва кўрпалик газламалар жўнатилади. Қизнинг онаси кўни-кўшни, қариндош-уруғлардаги момолардан етти—ўн нафарини чакириб, «кўрпа бичар» маросимини ўтказди. «Кўрпа бичар»га куёв томондан тухум барак ва гўмма каби тансиқ таомлар пишириб келадилар. Чакирилган ҳар бир кекса момога биттадан игна-ўймоқ (ангишвона – Б.Н.)ни совға қиладилар. Воҳада «Кўрпа бичар» маросими ҳафтанинг чоршанба куни ўтказилади, бунга сабаб чоршанба ҳайирли кун саналган. Қўша қариган бир никоҳли момо «бисмиллоҳ» деб газлама-матони қўлига олади. «Оллоҳнинг ўзи қутлуғ қилсин», - дея у ёғидан етти қарич, бу ёғидан етти қарич ўлчаб биринчи кўрпани бичади. Бу вақтда қизнинг онаси ширинлик ва тангалар сочади. Қолган иштирокчилар «ўнг бўлсин, ўнг бўлсин, Оллоҳнинг ўзи қутлуғ қилсин, охтик (невара)лари ётиб-ётиб тўздирсин», дея дуолар қилишади. Кейин қуда томон келинни бир элчиси билан бирга куёв томон бозорга келинга сарпо олишга чиқаришади. Унда бир қатор кийим-кечак олиб берилади. Урганч шаҳрида эса худди шунга ўхшаш бўлиб «...келин уйига совчиликка боришади келин томон ўйлаб кўришини қиз билан бола учрашиб кўришиш кераклигини, агарда бир бирига ёқишсагина розилик берилишини айтишади ва куёв томон ўзаро келишиб айтган куни ўғил бола қизни учрашувга таклиф қилади, агар ўғил болага қиз ёқса унга узук беради қиз болага йигит ёқса узукни олади. Кейин қиз бола ўғил боланинг оиласи ва уруғ- аймоғини суриштирилади. Агар ҳаммаси яхши бўлсагина йигит томонга розилик яъни, биз розимиз дейишади. Шундан кейин куёв томон дастурхоннинг ичида 10 дона оқрўмол (казаки), 4 та нон ва ширинликлар олиб боришади (баъзан агар куёв томон хоҳласа 10 тадан қатлама, ёғли патир олиб боришади) ва номига «ўғри патир» деб айталадиган патир синдиришиб қайтишади. Ушбу маросим воҳанинг Янгибозор ва Гурлан туманларида “Ўғри қанд” номи билан юритилади. Хоразм воҳаси аҳолиси орасида анъанавий урф-одат ва маросимлар нафақат ҳурсандчилик ва шодиёналик бўлибгина қолмай, балки муайян мақсадга қаратилган расм-русумлардан ҳам иборат. Масалан, ҳозиргача тўйда ўтказиладиган одатлардан бири қудаларга келин-куёв, қудалар ва қавму-

қариндошларга бир сидра сарпо қилиш, дастурхонга солинадиган нон-патирларнинг сони, исирик тутатиш, куёв тиззасига ўғил болани ўтказиб қўйиш, келин устидан пул ва ширинликлардан иборат сочқи сочиш, уларни кўзгу(ойна)га қаратиш ва тухум едириш каби одатлар гарчи, ўз моҳиятини йўқотган бўлса-да, қадимдан муайян сеҳргарлик мақсадида ўтказиб келинаётган иримлар саналади¹. Шунингдек, “Авесто” китобида ҳам оиланинг тинч ва фаровон бўлиши нималарга боғлиқ эканлиги ҳақида қуйидагича фикр юритилади: “Парсо, инсон уй тиклаб, олов, оиласи, хотин ва фарзандларига ўрин ажратиб берса, уйда ноз-неъматлари муҳайё бўлиб, хотин ва фарзандлари фаровон яшаса, уйда эътиқод ва собит олови алангали, бошқа нарсалари ҳам мўл-кўл бўлса, ўша манзил мухтарамдир”².

3.Хулоса

Оила ва никоҳ муносабатларини янада мустаҳкамлаш соҳасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 18 февралдаги “Жамиятда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, маҳалла институтини янада қўллаб-қувватлаш ҳамда оила ва хотин-қизлар билан ишлаш тизимини янги даражага олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5938-сон Фармони ҳамда 2020 йил 18 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги қарорининг қабул қилинганлиги ҳам мазкур соҳадаги ислохотларни янги босқичга кўтарувчи муҳим қадам бўлди³. Умуман олганда, оила никоҳга нисбатан мураккаб табиатли муносабатларни ифодалайди. Чунки, у нафақат эр ва хотинларнинг ўзаро муносабатлари, балки уларнинг фарзандлари, қариндош -уруғлар, эр ва хотин учун яқин бўлган инсонлар муносабатлари, шунингдек, аждодлар ҳамда авлодлар ўртасида оилавий анъаналар, урф-одатлар ва бошқа қадриятларни трансформация (ўзгариб боровчи жараён) аждодлардан авлодларга ўтказиш вазифаси) вазифасини ҳам ўз ичига олади. Хоразм воҳасида оила муносабатлари билан боғлиқ анъаналарининг аксарияти бугунги кунгача ўз хусусиятларини сақлаб қолган. Шунга қарамай, баъзи ўзгаришларга учраган анъаналарни ҳам қўриш мумкин.

¹ Атаджанов Ш., Аширов А. Этнология (ўқув қўлланма). – Тошкент, 2007. – Б 96

² Авесто. Зардуштийлик динининг муқаддас китоби. – Тошкент, 2001. – Б 25.

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 18 февралдаги “Жамиятда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, маҳалла институтини янада қўллаб-қувватлаш ҳамда оила ва хотин-қизлар билан ишлаш тизимини янги даражага олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5938-сон Фармони; 2020 йил 18 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги ПҚ-4602 қарори / Lex.uz.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Шоумаров Г.Б., Расулова З.А. Оила энциклопедияси /Оила-никоҳ муносабатлари тарихи..... – Б.237.
- 2.<https://bugun.uz/2021/05/16/15-maj-halqaro-oila-kuni-ozbeklarda-oila-va-nikoh-munosabatlari-nikohdan-otish-qanchalik-muhim/16.05.2021>.
3. Маҳмуд Кошғарий. Девону луғотит турк. Штом. –Тошкент: Фан, 1963. – Б. 167–168
4. Маҳмуд Кошғарий. Девону луғотит турк. Штом. –Тошкент: Фан, 1963. – Б. 168–169.
5. Дала ёзувлари. Хоразм вилояти, Урганч шаҳар Камолот кучасида яшовчи 61 ёшли Шарифа хожи она билан суҳбатдан ёзиб олинган. 2019 йил